СОВЕТ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТ (XX АСРНИНГ 70 – 80-ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА)

Х.Э.Ходжамбердиев

Мақолада совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт масалалари архив ҳужжатлари ҳамда статистик материаллар асосида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий соҳа, театр, олий ўқув юртлари, музей.*

В статье на основе архивных и статистических данных проанализирована социально-экономическая и культурная жизнь Узбекистана в советский период.

Ключевые слова: *здравоохранение, образование, социальная сфера, театр, высшее учебное заведение, музей.*

This article analyzes the socio-economic and cultural life in Uzbekistan during the Soviet period on the basis of archive documents and statistic materials.

Key words:*health preservation, education, social sphere, theatre, higher educational institution, museum.*

XX асрнинг 70-йиллари бошида Ўзбекистон собиқ иттифоқдаги республикаларга қиёслаганда иқтисодий жиҳатдан ривожланаётган ва барқарорлик ҳукм сураётган ҳудуд ҳисобланар эди.

Масалан, 1972 йилга келиб ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 121,2 сўмга (бир йилда 3 % ўсди) кўтарилди. Ижтимоий истеъмол фондидан аҳолига тўланадиган тўлов ва имтиёзлар ҳажми 7,6 фоизга ўсиб, 1972 йилга келиб киши бошига 211 сўмни ташкил этди. Соғлиқни сақлаш, таълим тизими соҳаларида меҳнат қилаётганларнинг иш ҳақи оширилди. 1970-йилларнинг бошида давлат ва колхозлар маблағлари ҳисобига умумий майдони 5217 минг квадрат метрга тенг бўлган 100 мингта кўп хонадонли ва хусусий уйлар қурилди. Уларнинг барчаси аҳолига текинга берилди.

1-жадвал

Ўзбекистон ССР давлат бюджетининг ижтимоий мақсадларга доир харажатлари, млн.

Харажатлар	1940 й.	1970 й.	1981 й.
Таълим ва фан	67,8	789,9	1828,7
Соғлиқни сақлаш ва жисмоний маданият	24,8	363,3	791,7
Ижтимоий таъминот	4,9	244,7	609,4
Кўп фарзандли ва ёлғиз оналарга ажратилган давлат нафақалари	-	92,1	85,3
Жами:	**97,5**	**1490,0**	**3315,1**

Республикада давлат бюджетининг катта қисми ижтимоий мақсадларга (қаранг: 1-жадвал) ажратилса-да, инфляция ва аҳолининг жадаллик билан кўпайиб бориши туфайли жамиятнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисми муаммолари ҳал этилмади. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш 101,1 фоизга бажарилиб, 1979 йилга нисбатан 13 фоиз ўсиш кузатилди. Миллий даромад тўққизинчи беш йилликка нисбатан 16,8 млрд. сўмга (саноат маҳсулотлари 18,6 млрд. сўмга, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари 6,1 млрд. сўмга) кўпайди. Ўнинчи беш йиллик (1976-1980)да саноат ишлаб чиқариш ҳажми 27,4 фоизга ўсди [1].

2-жадвал

Ўзбекистонда миллий ва шахсий даромадларнинг ўсиши, 1965 йилга нисбатан % ҳисобида

Кўрсаткичлар	1970 й.	1975 й.	1980 й.	1982 й.
Ишчи, хизматчи ва колхозчиларнинг йиллик ўртача сони	120,3	144,0	169,1	182,3
Ижтимоий меҳнат унумдорлиги	121,0	147,0	163,2	167,6
Ишлаб чиқарилган миллий даромад	139,0	194,0	250,2	270,0
Истеъмол фонди	154,1	222,0	343,3	366,6
Киши бошига реал даромадлар	138,0	173,0	205,0	221,0

1980 йилга келиб аҳолига ижтимоий истеъмол фондидан ажратмалар ва имтиёзлар сифатидаги тўловлар 4 млрд. 940 млн. 600 минг сўмни (бир йилда 310 млн. 600 минг сўм ўсди) ташкил этди. Киши бошига олинган реал даромадлар 3,3 фоизга ўсди. Ўзбекистонда миллий ва шахсий даромадларнинг ўсиши, 1965 йилга нисбатан фоиз ҳисобида 1970 йилда 138,0, 1982 йилда 221 фоизни ташкил этса-да, бу кўрсаткичлар йилдан йилга нархларнинг ўсиб бориши эвазига ҳақиқий ўсиш суръатлари мазмунини бермас эди (батафсилроқ қаранг: 3-жадвал). 1985 йилда республика миллий даромадининг ўсиши 1970 йилга нисбатан 216 фоизни (иттифоқ бўйича ўртача кўрсаткич 202 фоиз) ташкил этиб, бу соҳада иттифоқдош республикалар ичида 5-ўринга кўтарилди. Ижтимоий меҳнатнинг унумдорлиги эса 1970 йилга нисбатан 1980 йилда 138 фоизга, 1985 йилда 143 фоизга (иттифоқ бўйича ўртача 177 фоиз) ўсди [2.44].

3-жадвал

Ўзбекистон ССР миллий даромадида фойдаланилган истеъмол ижтимоий фондининг ҳиссаси

Кўрсаткичлар	**1965 й.**	**1980 й.**	**1982 й.**
Фойдаланилган миллий даромад, амалдаги нархларда, млн сўм.	6023,4	18431,8	20310,8
Фаровонликни оширишга йўналтирилган миллий даромад, амалдаги нархларда, млн. сўм	4698,0	14377,9	16248,0
Истеъмол ижтимоий фонди: ҳаммаси, млн. сўм киши бошига, сўм	 1304,,8 126,0	 4943,2 310,0	 5544,8 330,0
Миллий даромаддаги истеъмол ижтимоий фондининг ҳиссаси, халқ фаровонлигини оширишда ишлатилган, %	25,6	34,3	33,5

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон ССР бу соҳада иттифоқ ўртача кўрсаткичидан 3,5 мартадан кўпроқ орқада қолди. Бу ҳолат республика асосан аграр соҳа ҳисобига яшаётганини, ишлаб чиқаришнинг илмий-техникавий жиҳатдан ривожланмаганини кўрсатиб, халқнинг ижтимоий турмуш тарзига салбий таъсир қила бошлади [2.46].

4-жадвал

Ўзбекистон ССРда киши бошига халқ истеъмол предметлари ишлаб чиқариш

Халк истеъмол предметлари	**Ўлчов бирлиги**	**1940**	**1965**	**1975**	**1982**
Ип газламалари	п/м	16,2	24,8	16,1	16,5
Ипак газламалар	п/м	0,7	3,7	6,8	7,6
Пайпоқ моллари	жуфт	1,3	2,9	2,6	2,9
Устки ва ички кийим матолари	дона	0,5	2,1	3,1	3,1
Чарм пойафзал	жуфт	0,6	1,4	1,8	1,9
Ўсимлик ёғи	кг	21,3	30,2	31,0	25,4
Консервалар – шартли банка	дона	5,9	22,7	38,7	44,6
Қандолат товарлари	кг	2,0	6,5	7,3	9,2
Гўшт (сўйилган вазнда)	кг	12,3	15,9	19,3	22,8
Сут	кг	67,9	90,2	123,0	147,2
Тухум	дона	20,0	54,0	90,0	104,
Картошка	кг	17,1	15,4	21,0	20,2
Сабзавот	кг	46,7	47,2	101,7	152,2
Мевалар, резаворлар ва узум	кг	40,4	41,3	63,1	84,5

Республикада киши бошига истеъмол предметлари ишлаб чиқариш Болтиқ бўйи, РСФСР, Украина ва Белорусия каби республикалардан анча паст эди. Аксарият экин майдонларини пахта эгаллагани учун ҳам гўшт, сут, тухум каби ҳаётий зарур истеъмол товарлар тақчиллиги пайдо бўлди (қаранг: 4-жадвал). Бу маҳсулотларни истеъмол қилиш меъёрлари юқоридаги республикалар даражасидан анча паст эди.

Марказ Грузия, Арманистон ва Болтиқ бўйи республикаларига Ўзбекистонга нисбатан бир неча марта кўп субсидиялар ажратар эди (Олий партия элитаси ичида грузин ва арманлар кўп эди; марказ Болтиқбўйи республикалари сепаратизмга ва миллатчиликка берилгани учун улардан қўрқар эди).

1972 йилда Тошкент шаҳрида Ўрта Осиё медицина педиатрия институти очилиб, у юқори малакали врач-педиатрлар тайёрлай бошлади. 1969 йилдан 1976 йилгача болалар врачлари сони 2 марта (2405 тадан 5137 тага) кўпайди. Биргина 1975 йилда махсус болалар учун тиббиёт муассасаларидаги даволаниш ўринлари 1400 тага (8943 тадан 10366 тага) ўсди. 1975 йилда уларда 845933 нафар болалар ўз саломатлигини тиклади [3]. Республикада 36,5 мингта врач ишлади. 385 нафар аҳолига 1 тадан врач тўғри келди. 1975 йилда 6139 та фармацевт, 108,9 мингта ўрта тиббиёт персонали мавжуд эди.

1975 йилга келиб мамлакатда 15 минг ўринли 70 та санатория (шундан 8,9 минг ўринли 44 таси болалар санаторияси), 3,2 минг ўринли 16 та дам олиш уйлари, 655 ўринли 5 та пансионат, шунингдек, 2,4 минг ўринли турли дам олиш масканлари аҳолига ижтимоий ва тиббий хизмат кўрсатди [4.23]. Республикада 1971-1975 йилларда 4157, 1976-1980 йилларда 2843, 1981-1985 йилларда 3474 та ўринли санаториялар қурилиб фойдаланишга топширилди [2.48].

Республикада 1985 йилга келиб 64,9 минг врач фаолият кўрсатди, ҳар 10 минг кишига 34,1 та врач тўғри келди. Лекин иттифоқ миқёси билан таққослаганда республикада бу соҳадаги ўсиш анча орқада эди: бу кўрсаткич иттифоқ бўйича 42,7, Россияда эса 45,7 га тенг эди [2.49].

1970-1975 йилларда мамлакатда 6,3 мингта кутубхона (39,9 млн. нусха китоб ва журналларга эга бўлган), 31 та музей, 3,7 мингта клуб фаолият юритди. 1985 йилга келиб 294069 ўринли 939 та клуб, маданият саройлари ва уйлари фаолият юритди. 7 млн. 154 минг китоблар жамғармасига эга бўлган кутубхоналарда 792 минг 198 та китобхонлар ўз билимлари ва дунёқарашларини оширди [5].

Ўнинчи беш йилликда театрлар сони 28 тага етди, шундан 2 таси опера ва балет, 7 таси драматик, 11 таси мусиқали драма ва комедия, 1 та опера театри, 3 та ёш томошабинлар театри, 3 та қўғирчоқ театри эди. 1970 йилда (2,5 млн. томошабин қатнашди) 20 та, 1980 йилда 34 та (4,7 млн. томошабин қатнашди), 1985 йилда 46 та (7,8 млн. томошабин қатнашди) театр фаолият кўрсатди. Шунингдек, 1970-1985 йилларда кинотеатрлар тармоғи ҳам кенгайди. 1976-1980 йилларда 57010 ўринли 115 та, 1981-1985 йилларда 32906 ўринли 78 та кинотеатр қурлиб, фойдаланишга топширилди [2.50].

1981 йилнинг 1 январь ҳолатига республикада 34 та музей (шундан 13 таси ўлкашунослик, 5 таси мемориал, 5 таси тарихий, 1 таси инқилобий-тарихий, 2 таси табиий-илмий, 3 таси санъат, 3 таси адабиёт, 2 таси тармоқларга оид музейлар) фаолият юритди. 1975-1980 йилларда музейлар тармоғи 4 тага кўпайди. 1980 йилга келиб музейларга 4684,7 та киши келиб, 1975 йилга нисбатан 1,4 марта кўп бўлди [6].

Ўзбекистонда олий ва ўрта махсус таълимни ривожлантириш ижтимоий ва иқтисодий ўсишни таъминлашга қобил кадрларни тайёрлаш талаблари асосида олиб борилди. 1976-1980 йилларда олий ўқув юртларига қабул қилиш анча ўсди. Агар 50-йилларда учта олий ўқув юрти (Андижон медицина, Тошкент электротехника, Тошкент жисмоний маданият институтлари) очилган бўлса, 60-йилларда 8 та олий ўқув юрти очилди (Андижон пахтачилик, Фарғона политехника, Самарқанд архитектура-қурилиш, Термиз, Сирдарё, Тошкент вилоят педагогика институтлари, Андижон тиллар педагогика институти, Тошкент тил ва адабиёт институти).

5-жадвал

Ўзбекистон ССРда ўнинчи беш йилликда (1976-1980 йй.) олий ва ўрта махсус ўқув юртларига қабул сонининг ўсиши, минг [7].

	1976 й.	1977 й.	1978 й.	1979 й.	1980 й.	1976-1980 йй.
Олий ўқув юртлари						
Қабул режаси	48,6	49,6	50,2	50,7	51,2	250,3
Амалда қабул қилинди	50,9	51,7	51,6	53,7	53,7	261,6
Режанинг бажарилиши %	104,7	104,3	102,8	106,0	104,7	104
Техникумлар						
Қабул режаси	68,3	72,6	75,3	78,3	84,4	378,9
Амалда қабул қилинди	69,3	74,6	78,2	81,1	86,2	389,4
Режанинг бажарилиши %	101,5	102,7	103,8	103,6	102,2	102,3

1970-йилларга келиб яна 5 та янги ОЎЮ – Нукус давлат университети, Тошкент автомобиль йўллар институти, Тошкент педиатрия институти кабилар очилди. Агар 1960 йилда 30 та ОЎЮ фаолият юритган бўлса, 1985 йилга келиб уларнинг сони 43 га етди. 1980 йилда мамлакатда 42 та олий, 222 та ўрта махсус ўқув юртларида 516 мингта талаба ва ўқувчилар таҳсил олиб, бу кўрсаткич 1975 йилга нисбатан 19,4 фоизга ошди [8]. 1976-1980 йилларда республикада мактабгача болалар муассасалари 2092 тага кўпайди, уларда тарбия олган болалар сони эса 353,4 мингтага кўпайди ёки 10,7 фоизга ўсди. 1980 йилга келиб республикада 7286 болалар яслилари, ясли-боғчалари мавжуд бўлиб, уларда 915 мингта болалар тарбияланди. Бу кўрсаткич республикадаги барча болаларнинг 29,9 фоизини ташкил этиб, 1975 йилга нисбатан 19,2 фоизга ўсди [9].

ЎзКП МҚнинг 1976 йил 28 июлдаги қарори асосида аҳолига ижтимоий ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаси учун ходимлар тайёрлайдиган касбий-техникавий билим юртларига 17300 ўқувчи қабул қилинди, соҳада ишлаш учун 14600 та малакали ходим юборилди. Ўрганилаётган даврда республикада маиший соҳага ходимлар тайёрлайдиган 6 та касбий-техникавий билим юртлари мавжуд бўлиб, уларда 5249 та ўқувчилар билим олди [10].

Тўққизинчи беш йилликда қишлоқларда ҳам уй-жой қуриш, ободончилик, уйларни газлаштириш, маиший хизматни яхшилашга катта эътибор берилди. 1975 йил совхозларда уй-жойлар майдони 3 млн. 720 минг квадрат метрни ташкил этиб, шу йилнинг ўзида 170 минг квадрат метр уй-жой қурилди, уларнинг 250500 квадрат метри газлаштирилди [11].

Республикада совет даврининг 1976 йилига қадар 60 минг ўринлик касалхоналар фойдаланишга топширилди. Тўққизинчи беш йилликда бу соҳада катта иш қилинди: 17,5 минг ўринли касалхоналар қурилди. Ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида касалхоналардаги ўринлар 2902 тага кўпайди. Республикада 1971-1975 йилларда 17515, 1976-1980 йилларда 25543, 1981-1985 йилларда 24174 ўринли тиббиёт муассасалари қурилиб, аҳолига ижтимоий хизмат қилишга топширилди. Уларнинг сони 1970 йилда 1262 тага етган бўлса, 1980 йилда 1153 та, 1985 йилда 1267 тага кўтарилди [2.53].

1970-1985 йилларда республикада пайдо бўлган ижтимоий муаммолардан бири – туғилишнинг кескин ортиб кетишида («демографик портлаш») намоён бўлди. Турғунлик даврининг мудҳиш ва салбий жиҳатлари, пахтачиликни ривожлантиришнинг сунъий ва субъектив тарзда ўсиши натижасида далаларни химиялаштириш, кўпчилик оналарнинг озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёжларини қондирилмаслиги натижасида болалар ўлими кўпайди. Бир ёшгача бўлган, ҳар 1000 та аҳолига тўғри келадиган болалар ўлими 1970 йилда 31 тани (иттифоқ бўйича ўртача кўрсаткич 24,7 та), 1980 йилда 47 тани (иттифоқ бўйича ўртача кўрсаткич 27,3 та), 1985 йилда 45,3 тани (иттифоқ бўйича ўртача кўрсаткич 26 та), 1986 йилда 46,2 тани (иттифоқ бўйича ўртача кўрсаткич 25,4 та) ташкил этди [2.55]. Бу ҳолат турғунлик даврида республиканинг ижтимоий ривожланиш бўйича анча орқада қолганини кўрсатади.

Бу каби ҳолат ўртача умр кўрсаткичида ҳам намоён бўлди. Республика аҳолисининг ўртача умри 1970 йилда 71,8 ташкил этиб, 15 та иттифоқдош республика ичида 3-ўринга чиққан бўлса, 1980 йилда 67,6 (иттифоқ бўйича ўртача кўрсаткич 67,7), 1985 йилда 68,2 ёшни (фақат аёллар ҳисобига озгина ўсиш бўлди) ташкил этиб (иттифоқ бўйича ўртача кўрсаткич 69,0), 12-ўринга тушиб қолди [2.57]. Шунингдек, болалар ўлими, умр кўришининг қисқариши, умуман, аҳоли ижтимоий аҳволининг ёмонлашувида иш ҳақининг пастлиги ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Республика ишчи ва хизматчиларининг ўртача ойлик иш ҳақи 1970 йилда 114,8 сўм (иттифоқ бўйича ўртача кўрсаткич 122 сўм),, 1980 йилда 155,5 сўм (иттифоқ бўйича ўртача кўрсаткич 168,9 сўм), 1985 йилда 164,2 сўмни (иттифоқ бўйича ўртача кўрсаткич 190,1 сўмни) ташкил этди [2.59].

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда турғунлик даврида ижтимоий ривожлантиришда, партиянинг ижтимоий сиёсатини амалга оширишда ЎзКП МҚ биринчи котиби Ш.Р.Рашидов роли ва ҳиссаси катта бўлди. Ана шу зиддиятли ва мураккаб даврда тоталитар давлат ва яккаҳоким мафкура тазйиқи остида ўзбек халқи ва миллати манфаатларини амалга оширишга интилиб яшади. У Н.С.Хрушчев, кейин Л.И.Брежнев КПСС бош котиби бўлиб турган даврларда Ўзбекистонга жуда ҳам кўп моддий ва ижтимоий ресурсларни олиб келишга эришди. У раҳбарлик қилган 60-80-йиллар бошигача бўлган даврда кўплаб улкан саноат корхоналари ва бошқа йирик иншоотлар бунёд бўлди. Мирзачўл, Қарши, Жиззах, Ёзёвон, Сурхон-Шеробод даштларини ўзлаштириш, улар ҳисобига юз минглаб одамларни иш билан таъминлаш, чўлни боғ-роғларга айлантириш фақат Ш.Рашидов раҳбарлик фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан бири эди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (ЎзР МДА) Ф.837,41-рўйхат, 5528-иш, 1-3-варақ.
2.Народное хозяйство СССР за 70 лет. Юбилейный статистический ежегодник. Госкомстат СССР.-М.: Финансы и статистика, 1987.- 546 с.
3.ЎзР МДА.Ф.837, 41-рўйхат, 5372-иш, 1, 5-7-варақ.
4. Заиров К. С. Вехи в развитии здравоохранения Узбекистана. (К 50-летию СССР),1972, № 1.-С.23-27.
5. ЎзР МДА.Ф.837, 5-рўйхат (проф), 2460-иш, 1-варақ.
6. ЎзР МДА.Ф.837, 41-рўйхат, 5599-иш, 6-варақ.
7. ЎзР МДА.Ф.837,41-рўйхат, 5606-иш, 1-варақ.
8. ЎзР МДА.Ф.837,41-рўйхат (проф), 5606-иш, 2-варақ.
9. ЎзР МДА.Ф.837,41-рўйхат, 5604-иш, 3-4-варақ.
10. ЎзР МДА.Ф.837,41-рўйхат (проф), 4116-иш, 1-2-варақ.
11. ЎзР МДА.Ф.837,41-рўйхат (проф), 4116-иш, 8-варақ.

Андижон давлат университети,
2018 йил 3 сентябрда қабул қилинган
(Тақризчи: т.ф.д. О.Комилов)